Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 86 (21. 205) 1992 йил 30 апрель, пайшанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

ИШЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

● Марғилон ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пиллакашлик фабрикасида ишчи-хизматчиларнинг бозор муносабатлари шароитида ижтимоий ҳимоя қилишнинг пухта чоралари кўриляпти.

Фабрика аҳли ҳалол меҳнат бугунги кунда ижтимоий ҳимояланишнинг энг ишончли кафолати эканлигини ҳис қилмоқда. Шу боис, улар ҳар бир дақиқани ғаниматт билиб, ҳамжиҳат ишлашяпти.

Дарҳақиқат, ҳалол меҳнат қилган киши кам бўлмайди. Сўнгги ой якунларига кўра, масалан, Т. Мадаминов бошлиқ бригада ишчиларининг ўртача ойлик маоши 2000 сўмга тўғри келди. Кенгайтирилган зонада хизмат қилаётган ип йигирувчилар эса ойига 3—3,5 минг сўмдан иш ҳақи олишди.

— Кўп маош олишнинг сири оддий, — дейди Тожиали Мадаминов. — Бунинг учун сидқидилдан ишлаб, сифатли маҳсулот тайёрлаш керак. Бу, мустақил давлатимизга ҳам, ўзимизга ҳам фақат фойда келтиради.

А. ҚУТБИДДИНОВ.

ҚИШЛОҚ САНОАТИ

● Норин районида саноат корхоналари ва турар-жой бинолари қуриш жадал бормоқда. Жумладан, Норинкапада хўжалик сумкаси тайёрлаш цехи Тўда, Шўрарик, Каттаўлмас қишлоқларида атлас цехлари очилди. Хўжаобод қишлоғидаги пайпоқ тайёрлаш цехи кенгайтирилиб, мустақил фабрикага айлантирилди.

Район ҳудудида маданий-маиший объектлар ҳам тез қад ростлаяпти. Яқинда бу ердаги 32, 22-ўрта мактаблар учун янги бинолар қуриб берилди. Ҳозир «Ўзбекистон» ва «Норин» жамоа хўжаликларидаги меҳнаткашлар фарзандлари учун 420 ўринли мактаблар барпо этиляпти.

Тўғри, бозор муносабатлари қурилишлар таннархини қимматлаштириб юборган бўлсада, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда қийинчиликларни бирмунча бартараф қилишга эришиляпти. Дейлик, ҳом ва пишиқ ғишт цехлари ишга туширилмоқда.

О. МУСАЕВ.

РОССИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИСИ ТАЙИНЛАНДИ

МОСКВА, 29 апрель. (РАТА — ТАСС). Россия Федерациясининг Президенти Борис Ельцин Филипп Филипович Сидорскийни Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлади. Бу ҳақда бугун РАТА — ТАСС маҳкамасига Россия ташқи ишлар вазирлигидан хабар қилдилар.

Ф. Ф. Сидорский 1937 йилда туғилган, миллати рус. 1966 йилда СССР Ташқи ишлар вазирлигининг Москвадаги Давлат халқаро муносабатлар илмгоҳини битирган, 1978 йилда эса СССР Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатия академиясини битирган.

1966 йилдан буён ташқи ишлар вазирлиги тизимида ишлайди. СССРнинг Афғонистондаги, Эрондаги элчихоналарида турли лавозимларни эгаллаб турган. 1988 йилдан буён СССР, Россия Федерациясининг Афғонистондаги элчихонасининг маслаҳатчи-элчиси.

Фавқулодда ва мухтор элчи дипломатия даражасига эга.

• ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ •

ҲАМКОРЛИК ҲИКМАТИ

● Урганч ёғ-мой комбинати маъмурияти ходимларининг иш ҳақи миқдорини оширишга, ижтимоий муаммоларни тадбиркорлик билан ечиш йўлларини қидириб топишга алоҳида эътибор бермоқда. Шундай тадбирлардан бири корхона жамоаси эндиликда жумҳурият ҳудудидан ташқаридаги харидорларга ўз маҳсулотини келишилган нархларда сотишга қарор қилганлигидир.

Бу ҳақда комбинат билан шартнома тузган барча ташкилот ва корхоналар барвақт огоҳлантирилди. Уларнинг янги баҳолар бўйича розилиги олинди. Шу тадбирга асосан комбинат 1992 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб жумҳурият ҳудудидан ташқарига бир килограмм ёғни 40 сўмдан, бир тонна кунжарани эса 5 минг сўмдан сота бошлади. Нарх оширилгани ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун сарфланадиган харажатни қоплашда ҳам қўл келяпти.

Бу ерда корхонанинг техника қувватидан узлуксиз ва бетўхтоб фойдаланиш йўллари қидирилаётгани ҳам диққатга сазовор. Зеро, ҳали корхонани қайта ишланадиган техник чигит билан мунтазам таъминлаб туриш узилкесил ҳал қилинган эмас. Бундай пайтда комбинат албатта, уч-тўрт ойгача тўхтатиб қўйиларди. Хўш, корхона бир неча ой бекор туриб қолишининг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Маъмурият худди ана шу муаммони ҳал этди.

Чигит таъминотидаги узилиш муддати давомида бу ерда асосий эътибор хўжалик совуни ишлаб чиқаришга қаратиладиган бўлди. Бунинг учун тегишли тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Унинг қайта ишланган чигитдан олинадиган хом ашёси вилоятимизнинг ўзида етарли. Гап ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборишда қолган эди. Волга-Дондаги «СинтезПАВ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрдамга келди. Амалий алоқалар натижасида бирлашмада яратилган янгилик асосида комбинатга зарур механизм ва жиҳозлар ўрнатилди. Маҳсулот олина бошлади.

Эндиликда Урганч ёғ-мойчилари Волга-Дондаги ҳамкасбларини совун тайёрлашда ишлатиладиган хом ашё чиқиндиси — ёғ кислотаси билан, Волга-Дон кимё комбинати эса ўз навбатида урганчлик шерикларини совун тайёрлашда асқотадиган хом ашё билан таъминлаб туришибди.

Комбинат маъмурияти шу йил бошида Югославия-Швеция «Ренопак» фирмасининг Москвадаги вакиллари билан ҳам шартнома имзолади. Шартномага биноан, корхонада 1100 ҳамда 1330 грамм ҳажмли ярим хлорвинилли, чиройли этикеткали махсус идишларга ёғ қуядиган мослама монтаж қилинади. Идишларни ҳам ўша мослама тайёрлаб чиқаради. Натижада шиша идишларга эҳтиёж қолмайди. Бу катта миқдорда тежам беради.

Аввал шишаларга ёғ қуйиш жараёнида 27 нафар ишчи банд бўлса, янги мослама ишга туширилгач, бу ерда атиги икки киши ишлайдиган бўлди. Пировардида ишлаб чиқариш ҳажми уч баравар кўпаяди. Энг муҳими, комбинат янги ярим хлорвинилли, чиройли этикеткали идишларда ўз маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва валюта ишлаш имкониятига эга бўлади.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мух. бири.

• РЎЗНОМАМИЗ ЖАМҒАРМАСИГА

Оз бўлса ҳам...

Ўрол ака Юсупов Деҳқонобод районидан қалб амри билан чўлни боғу бўстонга айлантириш учун Қарши даштига келган марду майдон кишилардан. У бир неча йиллардан бери қўриқ Нишон районидаги «32-Ленинобод» совхозида пахтачилик бригадасида меҳнат қилиб келмоқда. Бу йилдан бошлаб у бедачилик бригадасини олди. 44 гектар ерда чорва моллари учун тўйимли озуқа — беда етиштирмоқда.

Тажрибали чўлқуварлар «Ўзбекистон овози» рўзномасининг доимий муштарийси. Унинг ҳар бир сонини қўлдан қўймай ўқиб боради. Рўзнома жамоасининг айни пайтда оғир иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётганлигидан ҳам хабардор. Қоғоз ва босмахона хизмати ошганлиги минглаб муштарийлар қатори Ўрол акани ҳам беҳад ташвишлантирди. У оила аъзолари билан кенгашиб деди:

— Бозор иқтисодиёти газетачиларни ҳам синовга олибди. Отахон рўзномамизни ночор аҳволга тушиб қолганлигига бефарқ қарамаслигимиз керак. Шундай пайтда баҳоли қудрат журналистлар жамоасига кўмаклашсак, дегандим.

Оила аъзолари бу фикрни маъқуллашди. Ўрол ака шахсий жамғармасидан 150 сўм миқдорда маблағ жўнатди.

Бу ерда гап пулда ҳам эмас, орамизда меҳр-оқибатли, саховатпеш одамлар кўпаяётганида.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Термиз районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори уч килограммга кўпайди. Шу кунларда жониворларга янги ўрилган сули берилаётгани сабабли ана шу натижага эришилаётир. Ҳозир фермада 1240 бош қорамол бўлиб, шундан 450 боши соғин сигирлардир. Хўжаликда озуқа тайёрлашга алоҳида эътибор берилади. Ҳозир 500 гектар майдон озуқа учун ажратилган.

Суратда: хўжалик чўпони Хушбоқ Хўжақулов.

И. ХУЖАЕВ олган сурат (ЎзА).

• ХДП ҳаётидан

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР, ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТЛАР

● Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов Тошкент вилоятининг Тошкент райони ва Янгийўл шаҳрида меҳнат жамоалари вакиллари, партия ташкилотлари фаоллари ҳамда партия аъзолари билан учрашди. Суҳбатлар чоғида ҳозирги мураккаб шароитда меҳнаткашлар турмуши, иш шароитлари, ижтимоий муҳофазалаш масалалари, хусусан муаммоларнинг кўпчилик кутиб турган ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашинди.

Дастлаб Тошкент райони ҳокими Р. Акбаров ва район партия кенгаши биринчи котиби К. Ғафуровлар район деҳқонлари, партия аъзоларининг республика Президенти фермонлари амалийлигини таъминлаш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида ахборот бердилар. Мулоқотлар Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида боғбонлар, соҳибкорлар билан давом эттирилди. Бирлашма бош директори М. Мирзаев жамоа фикрини ифодалаб, боғдорчиликни ривожлантириш борасида илмий ходимларнинг изланишлари, шаҳарликлар дастурхонини тўкин қилиш учун янги, серҳосил навлар устида бош қотираётгани, ички бозор эҳтиёжини қондиришнинг мавжуд имкониятлари ва резервлари тўғрисида гапириб берди.

Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалигида гап мавзуи бошланғич партия ташкилотлари мавқеи, ўрни ва ҳозирги босқичдаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларига бориб тақалди. Хўжаликда бу борада қатор юмушлар амалга оширилаётир. Жумладан, кейинги пайтда партия аъзолари сафи кўпайиб, жами 70 нафардан ошди. Улар республика ҳукумати, ХДП йўл-йўриқларининг ҳаётийлиги учун жон куйдирмоқдалар. Ишлаб чиқариш режалари сўзсиз бажарилишига эришилаётир. Хўжалик юритиш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги шаклларига ўтиш тезлашмоқда. Ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида қатъий тартиб-интизом ўрнатилганлиги муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

— Энг муҳими, бу ишларга партия аъзолари бошқош бўлаётирлар, — деди хўжалик бошқаруви раиси С. Муҳаммаджонов. — Бизда ҳар бир қарич ер ҳисобда, лекин унинг қадрига етмаётганлар ҳам топилади. Масалан, шаҳарликлар томорқаси учун ажратилган 20 гектардан зиёд ер бир неча ойдан бери бекор ётибди.

Райондаги 10-ўрта мактаб жамоаси билан учрашув айниқса, қизиқарли бўлди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилоти районда ҳам эътибор қозонган. Етмиш нафар ўқитувчининг эллик нафари Ўзбекистон ХДП аъзосидир. Партия ташкилотига уюшган жамоа аҳли таълим-тарбия ишларини намунали йўлга қўйиб олган. Ўзаро иноқлик, аҳиллик, қутлуғ ниятлар ва мақсадлар муштараклиги ишнинг олға силжишига кафолат бўлмоқда.

— Республика ҳукумати, шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг биз, ўқитувчилар тўғрисида катта ғамхўрлик кўрсатаётганидан беҳад мамнунмиз, — дейишди улар. — Яратиб берилган турли имтиёзларга жавобан, биз ёш авлодни мустақил Ўзбекистонга муносиб ўғлонлар этиб тарбиялашга сўз берамиз. Мактабнинг меҳнат фахрийлари ҳам янги партияга аъзо бўлиб киришган. Чунки бу партия инсонпарварлиги, халқчиллиги, меҳр-шафқатлилиги билан қалбимиздан жой олди. Биз бундан кейин ҳам унга жон-дилимиздан хизмат қилаверамиз.

Сўзга чиққан бошқа ўртоқлар ҳам партия сафларини энг пок, ҳалол, ишбилармон кишилар билан тўлдириб бориш ва унинг обрўсини кўтаришга ҳар бир киши қўшадиган ҳисса ҳақида гапирдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов куннинг иккинчи ярмида Янгийўл шаҳридаги пойабзал фабрикаси ҳамда шу райондаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида бўлди. Ўзаро фикр алмашувда, тажрибаларни ўртоқлашишда, масалаларни ҳал қилиш чоғида биринчи котибга Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов ва жойлардаги маҳаллий партия, ҳокимиятнинг масъул вакиллари ҳамроҳлик қилдилар.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мух. бири.

ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДАН РЕПОРТАЖ

Бухорода сел ва бўрон

28 апрель кечаси соат 01.30 да табиат Бухоро шаҳри ва унга яқин районлар аҳолисини оғир синовдан ўтказди. Айнан шу вақтда шимолий-шарқ томондан эсаётган шамол кучайиб, унинг тезлиги секундига 20—22 метрга етди. Шиддатлаб ёғаётган ёмғир эса кучли селга айланди. Натижада вилоятнинг Жондор, Ромитон, Бухоро, Вобкент, Когон, Қоракўл ва Олот районларидаги юзлаб хўжаликларнинг ўн минглаб экинзорлари пайҳон бўлди, улар жала сувлари остида қолиб кетди.

Бухоро гидрометеобюросидан ЎзА мухбирига хабар қилишларича 28 апрель кеч соат 01.30 дан соат 11 ларгача вилоятда 20-22 миллиметр қалинликда ёмғир ёғди. Бу эса камида бир ойлик нормадир.

28 апрель эрта тонгданоқ, вилоят ҳокимининг биринчи муовини Мавлон Раҳмонов раҳбарлигида табиий офат оқибатларини аниқлаш ва унинг олдини олиш вилоят оператив штабининг дастлабки йиғилиши ўтказилди. Штаб аъзолари ўртасида биринчи галда қилинадиган вазифалар тақсимланди ва штаб аъзолари ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлиш мақсадида районларга йўл олишди.

Бухоро вилоят деҳқончилик саноат уюшмаси раисининг биринчи муовини Сиддиқ Рустамовнинг хабар қилишича, бу кутилмаган сел ва бўрон оқибатида вилоят бўйича униб чиққан 92 минг гектардан зиёд ғўза жиддий зарар кўрган, дарахтларнинг 60—70 фоиз мевалари тўкилган, 16,5 минг гектар ердаги бошоққа кирган кузги дон ҳам ер бағирлаб ётиб қолган. Униб чиққан сабзавот ва полиз экинларининг деярли барчасини қайта бузиб экишга тўғри келади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, табиат ҳуружи орқали етган зарар миқдори вилоят бўйича юз миллион сўмдан зиёддир.

— Лекин булар ҳали ҳаммаси эмас, — дея сўзида давом этди С. Рустамов, — аҳолининг уй-жойлари, молхоналари ҳам жиддий зарар кўрган, кўпгина кўприклар бузилган, томларни бўрон учириб кетган.

Айни пайтларда табиий офатни бартараф этиш учун вилоятда оммавий сафарбарлик давом этмоқда. Ишчи кучлари, техника табиат ҳуружи кучайган зоналарга юборилаяпти.

И. САФАРОВ,
(ЎзА мухбири).

САФАРБАРЛИК

Табиат инжиқликлари жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида ҳам содир бўлиб турибди. 26 апрелдан 27 апрелга ўтар кечаси Фарғона вилоятида бўлиб ўтган кучли ёмғир кўплаб хўжаликларга таъсирини кўрсатди. Айниқса, Фарғона райони катта зарар кўрди. Бу ерда 5 минг 370 гектар экин майдони шикастланди.

Кучли ёмғир туфайли вилоятда 104 минг 184 гектар пахта майдони зарарланди. Унинг 16,5 минг гектари қайта экилади. Ҳозир вилоятнинг барча хўжаликларида табиий офат оқибатларини тугатишга шошилинч чоралар кўрилмоқда.

(ЎзА мухбири).

АМАЛИЙ МУЛОҚОТГА ТАЙЁРМИЗ

ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН БИРЖАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ДАЪВАТНОМАСИ

Яқинда Самарқанд шаҳрида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон биржалари уюшмаси бошқарувининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари Самарқанд даъватномасини қабул қилдилар. Унда жумладан шундай дейилади:

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон биржалари уюшмасининг аъзолари шуни таъкидлайдиларки, Ўрта Осиё ва Қозоғистон бешта мустақил давлати раҳбарларининг ягона иқтисодий маконини бунёд этишга қаратилган куч-ғайратлари маъмурий тузилмалар сусткашлигига дуч келмоқда.

Уюшма Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги қардошқондош давлатлар ўртасидаги тижорат алоқаларини ривожлантиришга, бозор маконини изчиллик билан кенгайтиришга интилишини яна бир карра тасдиқлайди. Уюшма аъзолари сиёсий вазифаларни ҳал этиш ҳамда демократик ислоҳотлар анжуманини ташкил этиш мақсадида ишбилармонлар ва демократик жамоатчиликнинг куч-ғайратларини бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Анжуманнинг асосий мақсадлари: бозор муносабатларини кенг кўламда ривожлантириш, давлатдан ҳоли қилиш жараёнларини жадаллаштириш, республикаларнинг табиий бой ресурсларидан фойдаланиш, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ва бошқа алоқаларни тиклаш, ишбилармонлар қатламини вужудга келтириш асосида Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатларини иқтисодий жиҳатдан қайта тиклашни таъминлашдан. конституциявий ҳокимиятни, давлатнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашдан, фуқаролар жамиятини шакллантиришдан; фуқаролар иноқлиги асосида барча муаммолар ва можароларни бартарар этиш учун шарт-шароитларни таъминлашдан; республикаларимизда истиқомат қилувчи халқларнинг маънавий қадриятларини, ўзига хос маданиятини қайтадан тиклаш учун ҳамма илғор кучларни жипслаштиришдан иборатдир.

Анжуман иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришнинг, жамиятни янада демократлаштиришнинг қатъиян тарафдоридир. У тоталитар ўтмишга қайтиш имкониятларини излашга қатъиян қаршидир. У жамиятимиз тараққиётига тўсқинлик қилувчи барча кучларга қарши изчиллик билан курош олиб боради.

ҚИШЛОҚ ИШБИЛАРМОНЛАРИ КЕНГАШИ

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш асосий вазифа эканлиги ҳаммага маълум. Бу ишда қишлоқ ишбилармонларидан ҳисобланаётган фермерларга кўп нарса боғлиқ. Якка деҳқон хўжаликлари ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва шу асосда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори жойларда қандай бажарилмоқда? Фермерларни нималар кўпроқ ўйлантиради? Улар қандай қийинчиликларга дуч келишмоқда? Андижонда бўлиб ўтган қишлоқ фермерлари ва тадбиркорлари вилоят кенгаши қатнашчилари ана шу ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга биргаликда жавоб изладилар.

Вилоятда фермерчиликни кенг ривожлантиришга асосан ер етишмаслиги, қурилиш материаллари тақчиллиги ҳалақит бермоқда. Аммо шунга қарамай, фермерлар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ўз ўринларини топиб олишяпти. Кенгашда илғор фермер ва қишлоқ тадбиркорларининг иш тажрибасини кенгроқ ёйиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш ишида Андижон вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев қатнашди.

К. НИЗОМОВ.
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФАОЛИЯТИНИНГ ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИДАН ВА РЕСПУБЛИКАДА ҚАРОР ТОПГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТДАН КЕЛИБ ЧИҚУВЧИ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

● Илгари хабар қилганимиздек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расуловнинг «Ўзбекистон ХДП фаолиятининг партия дастурий мақсадларидан ва республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устивор йўналишлари тўғрисида»ги хати Марказий Кенгаш Сиёсий Ижроия Қўмитасида кўриб чиқилиб, шу юзасидан тегишли қарор қабул қилинган эди.

Қуйидаги ушбу ҳат матнини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

ХОЗИР ҳаммамизнинг ҳам мураккаб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятда иш олиб боришимизга тўғри келаяпти. Республика мустақиллигининг қарор топишидан иборат мураккаб жараёнлар юз бермоқда. Бошқа давлатлар билан ўзаро алоқалар мутлақо янги сиёсий, иқтисодий асосда шаклланиб бормоқда. Ҳокимият ва бошқарувнинг янги тузилмалари қарор топмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш осонлик билан кечмаяпти. Аҳоли турмуш даражаси кескин тушиб кетмоқда. Нарх-наво жуда тез кўтарилмоқда, кундалик эҳтиёж моллари борган сари тақчил бўлиб бормоқда. Қарор топган хўжалик алоқалари узилиб кетганлиги сабабли аксарият саноат, транспорт ва алоқа корхоналари, қурилиш мажмуи оғир аҳволда қолди. Нарх-наво меъёри бузилганлиги, машиналар ва ўғитларнинг кескин қимматлашуви оқибатида қишлоқ хўжалигида ҳам аҳвол мураккаблашди.

Республика Президенти И. А. Каримов ва ҳукумат ушбу вазиятда юритаётган сиёсат ва ундан келиб чиқадиган муайян қарорлар умуман Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ва йўналишларига мос келади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга, қишлоқ хўжалигини мустаҳкамлашга доир амалий тадбирлар туфайли бир қатор нохуш омиллар таъсирининг олдини олишга муваффақ бўлинди. Республика раҳбарияти Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини мустаҳкамлаш, амалий ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш соҳасида катта фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ, белгиланган сиёсий йўл ҳар доим ҳам изчиллик билан олиб борилмаётир. Баъзан жойларда солиқ, нарх-наво ва лицензия бериш сиёсати аниқ амалга оширилмаётир. Бир томондан, кўпчилик ишхоналар ва ташкилотлар учун иқтисодий жиҳатдан нарх-навонинг асоссиз оширилиши ҳисобидан катта даромадлар олиш учун ғайриқонуний йўллар очилмоқда. Иккинчи томондан, йирик меҳнат жамоаларидаги раҳбарлар, партия фаоллари билан учрашувлар шуни кўрсатмоқдаки, хўжаликлар кўпинча ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни четга чиқариш учун лицензия олишда бюрократик сансалорликка дуч келмоқдалар. Бу уларнинг экспорт ва импорт соҳасидаги имкониятларини, бартер асосида зарур моддий-техник ресурсларни олишларини чеклаб қўймоқда.

Ҳокимият ва бошқарувнинг барча органлари раҳбариятларида ўз вакилларига эга бўлган Ўзбекистон ХДП вазиятнинг оддий кузатувчиси бўлиб тура олмайди. Шу сабабдан, амалий жиҳатдан яқин вақт ичида Марказий Кенгашда иқтисодчи олимлар, амалиётчилар билан учрашув ўтказишни ва унда **республиканинг 1992—1993 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини** ишлаб чиқиш ва ҳукуматга уни тайёрлашда ёрдам берадиган ишчи гуруҳини тузиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Бу концепцияга Ўзбекистон ХДПнинг иқтисодни сифат жиҳатдан янги ҳолатга томон ғайрат билан силжитишдан, халқ хўжалик мажмуининг хом ашё етказиб беришга асосланган бир томонламалигини бартараф этишдан иборат дастурий устиворликлари асос қилиб олиниши керак, деб ҳисоблайман. Бу вазифани ҳал қилишнинг бош воситаси кўп укладли иқтисодга ўтиш, соғлом тадбиркорлик ва хусусий ташаббусни рағбатлантиришдир. Биз республика ҳукуматининг бозор муносабатлари тизимини шакллантириш, нарх-наво, кредит ва солиқ сиёсатининг сифат жиҳатдан янги концепциясини ишлаб чиқиш соҳасидаги саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлашимиз керакки, зеро бу меҳнат жамоаларининг маҳсулот чиқаришни кўпайтиришга, унинг таннархини пасайтиришга уларнинг қизиқишини оширади.

Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси, фикримча, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини қандай ошириш мумкин, деҳқонни республика ва унинг аҳолисига зарур деҳқончилик маҳсулотлари етиштириб беришни кўпайтиришдан қандай қилиб манфаатдор қилиш мумкин, деган саволларга аниқ жавоб бермоғи лозим. Атроф-муҳитни соғломлаштириш, Орол бўйидаги экологик оқибатларни бартараф этишга доир пухта ўйланган тадбирлар даркор.

Республиканинг халқаро майдонга чиқиши муносабати билан чет эл фирмалари билан ўзаро фойдали шерикчилик муносабатларини ривожлантириш, чет эл маблағларини жалб этиш имкониятлари пайдо бўлди. Булардан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш зарур.

Партиямиз бозорга ўтишнинг ҳар қандай усулини ҳам ёқлайвермайди. Амалга ошириладиган ва мўлжалланган ҳамма ислоҳотлар кишиларни сўзсиз ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиши шарт. Истеъмол бозоридаги тақчилликни бартараф этиш, уни арзон баҳолардаги кундалик зарур моллар, маҳсулотлар билан тўлдириш бунинг энг муҳим омилларидан биридир.

Мазкур муаммонинг оғирлигини қуйидаги далиллар кўрсатиб турибди. Шу йилнинг биринчи чорагида чакана савдо оборотси қиёсланган баҳоларда 2,6 баравар пасайди. Озиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш 25 фоиз қисқарди. Кўпгина кундалик зарур моллар ишлаб чиқаришнинг камайиши ҳамон давом этмоқда. Аҳолисининг каттагина қисмини болалар ташкил этган Ўзбекистонда болалар учун ишлаб чиқариладиган моллар ниҳоятда камайиб кетмоқда. Ахир, бу товарларнинг кўпини ўзимиздаги завод ва фабрикалар маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарадилар-ку! Шу муносабат билан Сиёсий Ижроқўмнинг яқинда бўладиган мажлисларидан бирида бу масалани кўриб чиқишни ва унинг юзасидан сиёсий нуқтаи назаримизни аниқлаб олишни таклиф этаман. Сўз бу вазифани ҳал қилиш учун республикамизда мавжуд имкониятларни ахтариб топиш, тегишли фармонлар ва қарорларнинг бажарилишини таҳлил этиш, ишнинг мана шу жабҳаси учун масъул бўлмиш партиямиз аъзоларидан иборат раҳбарлар фаолиятига сиёсий баҳо бериш тўғрисида кетаяпти.

Маҳаллий партия ташкилотлари, Ўзбекистон ХДП кенгашлари ҳокимликлар, партия аъзолари бўлмиш депутатлар билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисида чиқарилган фармонлар ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини ўз назоратларига олишлари зарур. Аҳолининг энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва моллар билан бир меъёрда таъминланишига алоҳида эътибор бериш керак. Ҳар бир тонна ғалла, ҳар бир килограмм қанд-шакар, бошқа жуда зарур маҳсулотлар республикамизга қанчалик қийинчиликлар билан келтирилаётганлигини ҳозирги кунда ҳамма яхши тушуниши зарур. Бу неъматларни жуда эҳтиётлаш керак, уларнинг талон-торож қилиб юборилишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

ХЕЧ кимга сир эмаски, қишлоқ аҳлини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг шахсий томорқаларини кенгайтириб бериш тўғрисидаги ҳаммага маълум фармонлар ва қарорлар жойларда, кўпинча, айрим амалдорларнинг тўраларча сансалорлигига, совуққонлиги ва ҳатто, уларнинг очиқдан-очиқ таъмагирлигига дуч келмоқда.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар фаолиятига баҳо беришда, гарчи улар партиядан ҳоли этилган бўлсалар ҳам, биз бефарқ бўла олмаймиз. Очиғини айтганда, уларнинг ишидан бугунги кунда республика аҳолиси қониқмаяпти. Жиноятчилик тобора кучайиб кетмоқда. Одамлар кечқурунлари кўчага чиқишга қўрқадиган бўлиб қолдилар. Боғлар, хиёбонлар, халқ сайр қиладиган бошқа жойлар ҳувиллаб ётибди.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва унинг барча сайлаб қўйиладиган органлари бундай аҳволга индамай қараб тура олмайдилар. Биз уларга қатъий баҳо беришдан тортинмаслигимиз керак. Фармонлар ва ҳукумат қарорларининг изчил бажарилишига, қонунчиликнинг ҳамда ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланишига қонуний воситалар ёрдамида эришмоғимиз керак. Бу масалаларда партия ташкилотлари тутган йўл маҳкам ва муросасиз бўлиши зарур.

Партиянинг парламент фаолияти ўз аҳамияти жиҳатидан биз учун энг муҳим иккинчи йўналишдир.

Аввало, Республика Олий Кенгашидаги депутатлардан иборат партия гуруҳимизнинг самарали ишлашига эришишимиз зарур. Ҳозирча биз шу гуруҳни ташкилий жиҳатдан шакллантиришдан нарига ўтганимиз йўқ. Вазият эса комитетлар ва комиссиялардаги, сессиялардаги иш вақтида гуруҳимиз аъзолари бўлмиш халқ депутатларининг аниқ партиявий нуқтаи назарни эгаллаб туришларини, масалалар муҳокамасида, шунингдек, овоз бериш вақтида унга амал қилишларини талаб этади.

Олий Кенгаш Раёсати бизнинг депутатлар гуруҳимизни шу вақтгача расман рўйхатга олмаганлиги сабабли биз, албатта, маълум қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Марказий Кенгаш пленуми бу сусткашликка нисбатан салбий муносабат билдирди. Бироқ, аҳвол ҳануз ўзгармаяпти.

Шунга қарамай, қонун Ўзбекистон ХДП ташкилотларига партия аъзолари бўлмиш депутатларга сессия муҳокамасига қўйилаётган масалалар юзасидан уларнинг нуқтаи назарини шакллантиришда ёрдам беришларини ман этмайди. Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиладиган бир неча қонун лойиҳалари аллақачон матбуотда босилиб чиқди. Бу—даромадларни индексация қилиш, монополистик фаолиятни чеклаш, синиш, валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларидир.

Партия Дастурида ана шу масалалар юзасидан бизнинг тутган қатъий йўлимиз баён этилган. Афтидан, ХДПнинг маҳаллий кенгашлари мазкур қонун лойиҳаларини барча партия ташкилотларида муҳокама қилиш ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқсалар тўғри бўлур эди. Узил-кесил нуқтаи назарни аниқлаш, депутатлар гуруҳимиз аъзолари учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш кераклиги сабабли сессия арафасида муҳокама якунларини Сиёсий Ижроқўм мажлисида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Олий Кенгашдаги партия гуруҳимиз қонунчилик фаолиятидан четда тураётгани йўқ. Сиёсий Ижроқўм таклифига мувофиқ аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан қонун лойиҳалари мажмуи тайёрланмоқда. Лойиҳалар тайёр бўлишига қараб депутатлар гуруҳи аъзолари томонидан сессия муҳокамасига киритилади.

Аммо фақат ушбу масалалар билан чекланиб қолиш нотўғри бўлур эди. Марказий Кенгашнинг барча партия ташкилотларининг катта эътибори Республика Конституциясини тайёрлашга қаратилмоғи лозим, деб ҳисоблайман. Яқинда партия Марказий Кенгашида етакчи ҳуқуқшунос олимлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда бу муҳим ҳужжатни тайёрлашнинг диққатга сазовор турли йўллари аниқланди. Фикримча, бу муҳим масала бўйича ўз нуқтаи назаримизни ишлаб чиқишни давом эттирсак, айни муддао бўлур эди.

Ниҳоят, сиёсий партиялар фаолиятини қонуний равишда тартибга солиб туриш эҳтиёжи ҳам бор. Ҳозирги кунда бу масалалар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонун асосида ҳал қилинмоқдаки, бу Қонунда барча муаммолар қамраб олинмаган. Хусусан, у партия қандай шароитда ҳукмрон партия ҳисобланади, ҳукмрон партия бўлган маҳалда қандай ваколатларга эга бўлади, мухолиф партиялар қандай ҳуқуқларга эга бўладилар ва ҳоказо саволларга жавоб бера олмайди. Бу масалалар пленумда кўтарилганди. Республика парламентидаги депутатлар гуруҳимиз тегишли ташаббус билан чиқса тўғри бўлур эди.

Ҳокимият ва бошқарувнинг республика ва маҳаллий миқёсдаги органлари билан ўзаро муносабатларимизнинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман.

Аксарият вазирликлар ва идораларнинг, иқтисодий мажмуалар ва концернларнинг раҳбарлари, вилоятлар, амалда барча шаҳар ва районларнинг ҳокимлари Ўзбекистон ХДП аъзоларидир. Ҳозирги ўтиш даврида уларнинг ҳар бири халқ олдидаги ўз конституциявий вазифаларини юксак масъулият билан, ҳалол ва виждонан адо этишлари зарур, деб ҳисоблайман. Республика шон-шарафи йўлида фидокорона меҳнат қилиш керак. Ана шундай қилингандагина улар партия ва унинг барча ташкилотларининг сиёсий мададига тўла умид қилишлари мумкин. Айни вақтда шу нарса ҳаммага аён бўлмоғи керакки, ҳокимият ваколати берилган партия аъзоларининг хатолари, камчиликлари, халқ қўллаб-қувватлайдиган сиёсий йўлдан четга чиқишлари фақат уларнинг шахсий обрўларига путур етказиб қолмасдан, балки бутун партияга ҳам соя солади.

Шу сабабдан, Марказий Кенгашнинг республика ҳукуматига раҳбарлик қилувчи ва унинг таркибида ишловчи партия аъзолари билан ўзаро амалий алоқаларни мустаҳкамловчи қадамлар қўйилса, тўғри бўлур эди. Шунингдек, мен ҳукумат ижтимоий-иқтисодий соҳада қандай ишларни амалга ошираётгани ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли мунтазам хабардор қилиниши лозим, деган фикрдаман.

Партиянинг маҳаллий кенгашлари ҳам шу йўналишда ишлашлари лозим. Республика халқининг, ҳар бир оиланинг манфаатларига дахлдор бўлган барча ҳаётий муҳим масалалар юзасидан партия ташкилотларимизнинг жойлардаги ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилишлари учун ҳеч қандай сезиларли тўсиқлар йўқ. Ўзбекистон ХДП кенгашлари котибларининг барча даражадаги ҳокимлар билан ўзаро мустаҳкам амалий алоқалари кундалик қоидага айланиши зарур. Уларнинг республика ҳаёти учун муҳим муаммоларни ҳал қилиш юзасидан биргаликда олиб борган ишларидан, назаримда, аҳоли ҳам, партиянинг обрўси ҳам, бизнинг умумий сиёсий йўлимиз ҳам ютади.

Барча партия ташкилотларининг кадрлар сиёсати соҳасида тўғри нуқтаи назарни эгаллашлари жуда муҳимдир.

Биронта ҳам партия ташкилоти энг муҳим кадрлар масалаларини ҳал қилишдан четда турмаслиги керак, деб ҳисоблайман. Партия аъзолари бўлмиш депутатлар орқали ҳаракат қилиб, нуқтаи назаримизга қўшилувчи жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва турар жойлардаги партия фаолларига суянган ҳолда раҳбарлик лавозимларига ишбилармон, чуқур билимли, ҳалол кишиларнинг тайинланиши ва сайланишига изчиллик билан эришмоқ керак. Бу қоидалардан чекиниб, маҳаллийчилик, ҳамюртлик ёки қариндошлика қараб кадрлар танлашга бўлган ҳар қандай уринишлар, бунга ким йўл қўйиб бераётганлигидан қатъи назар, аёвсиз қораланиши зарур. Бизнинг ана шу масалалардаги сиёсий нуқтаи назаримиз тегишли ҳокимият органларига ва аҳоли кенг оммасига етказилиши керак.

КЕЙИНГИ вақтда барча даражадаги раҳбарлик лавозимларига кўплаб Ўзбекистон ХДП аъзолари тайинланди. Уларнинг кўпчилиги ғайратли, ташаббускор, моҳир ташкилотчи кишилар бўлиб, лекин баъзиларига ҳозирча ҳаётий тажриба, раҳбарлик ишидаги малака етишмайди. Бизнинг умумий вазифамиз — бу раҳбарларга уларнинг оёққа туришида ёрдам бериш, ҳамма ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Бу, улар танқиддан холи қоладилар, деган гап эмас. Биз улар фаолиятини доимо диққат марказида тутишимиз, хато ва камчиликлардан эҳтиёт қилишимиз лозим. Агар у ёки бу раҳбар ноҳалол ишлаётган кишилар ишончини суиистеъмол қилаётган бўлса, халқнинг: у истеъфога чиқсин, деб талаб қилишини кутиб ўтирмасдан, тегишли ҳокимият ва бошқарув органлари олдига бундай раҳбарни ўзгартириш масаласини пайсалга солмасдан қўйишимиз керак.

Энди партия ташкилотлари ва партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари олиб борадиган **сиёсий ишнинг асосий йўналишлари тўғрисида.**

Бошланғич партия ташкилотларини, айниқса, аҳоли истиқомат жойларида тузилиб, ишлаётган партия ташкилотларини мустаҳкамлаш барча партия кенгашларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Партия тузилмаларимизнинг ҳар бир сайлов мавзесида фаол ҳаракат қилишига эришмоқ керак. Улар партия сайловчилар орасида олиб бораётган ишнинг мустаҳкам таянчига, улар ишончини қозонишнинг муҳим бўғинига айланмоқлари лозим. Партия аъзолари бўлмиш депутатларга ўз конституциявий вазифаларини бажаришда ёрдам бериш керак.

Барча партия ташкилотлари бутун халқ томонидан сайланган республикамиз Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримов олиб бораётган сиёсатнинг кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш иши билан алоҳида шуғулланишлари керак. Улар белгиланган ва ўтказилаётган ислоҳот ҳақиқатдан ҳам вазиятни барқарор қила олишини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани чуғраб олган инқирозни бартараф этишини одамларга ишонтирарли тарзда тушунтириб беришлари зарур.

Кишиларга боқимандалик кайфиятининг хатарли эканлигини, ҳокимият органларини айрим гуруҳлар тор манфаатларинигина ифода этувчи ноҳоқ қарорлар қабул қилишга мажбур этиш мақсадида уларга тазйиқ ўтказишнинг хавфли эканлигини кўрсатиб бериш керак. Кишиларда инқирозни фақат биргаликда, ишга қобилиятли ҳар бир фуқаронинг республика фаровонлиги йўлидаги астойдил меҳнати билангина бартараф этиш мумкин, деган фикр туғдириш лозим.

Бизнинг сиёсий фаолларимиз барча ишлаб чиқариш жамоаларида, турар жой даҳаларида, маҳаллаларда, чойхоналарда, омма орасида ҳаракат қилмоқлари лозим. Булар партиянинг энг етук, тайёргарлик кўрган, одамлар қалбига йўл топа оладиган, уларни фаолликка ундайдиган, сиёсий мухолифлар билан баҳслашишдан чекинмайдиган, партияни далиллар ёрдамида ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қила оладиган, ўзининг ҳақлигини ишонарли тарзда исботлай оладиган аъзолари бўлишлари керак. Сиёсий Ижроқўм қарори билан ХДПнинг барча кенгашлари қошида тузилган ва партиянинг омма билан алоқасида уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам беришда муҳим дастак бўлишга даъват этилган депутатлар қабулхоналарига ҳам катта эътибор бериш керак.

Барча партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, тушунтириш билан бирга аҳоли ва меҳнат жамоаларининг сиёсий жиҳатдан энг фаол қисмини ўз томонига жалб қилиши, шу ҳисобдан ўз сафларини мустаҳкамлашлари зарур. Пировард натижада Ўзбекистон ХДПнинг ҳар бир аъзоси партия сиёсатини омма орасида фаол тарғиб этувчи бўлмоғи даркор. Бизнинг ҳар биримиз шу бугунги қийин ўтиш даврида партия халқ олдида ўз зиммасига олган сиёсий масъулият юкини чуқур ҳис этмоғимиз лозим.

Ҳозирги кунда республикамизда қарашлари турлича ва сиёсий йўллари ҳар хил бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар ҳаракат қилмоқдалар. Аммо биз ҳаммамиз мустақил давлатимиз равнақи, унинг халқларининг фаровонлиги барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро аҳиллик асосига қурилмоғимиз лозимлигини ҳамиша ёдимизда тутмоғимиз керак. Республикада фаолият кўрсатаётган барча сиёсий кучлар бугунги кунда ўз ҳаракатларига юксак масъулият ҳисси билан қарамоқлари даркор, деб ҳисоблайман.

Сиёсий ихтилофларнинг кўчага чиқиб кетишига, ғоялар кураши бирон-бир сабаб билан кишиларнинг ўзаро тўқнашувига олиб келишига йўл қўймаслик керак. Партия ташкилотларимизнинг эшиги эса демократик ислоҳотларни, ижтимоий адолат ва тараққиётни, республика халқларининг жипслашувини ёқловчи барча ижтимоий-сиёсий кучлар билан амалий ҳамкорлик учун доимо очиқдир.

Хуллас, Марказий Кенгашнинг, барча партия ташкилотлари ва сайланган органларнинг иши бугунги кунда шундай йўлга қўйилмоғи керакки, партия Ўзбекистоннинг ривожланган ва гуллаб-яшнаётган давлат сифатида қарор топишига фақат сўз билан эмас, балки ўзининг бутун сиёсий, амалий ва ташкилотчилик фаолияти билан ушбу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилаётганлигини одамлар чуқур ҳис этсинлар.

М. РАСУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби.

ТЕАТР АРБОБЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ

28 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди.

Унда республика Театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси Б. Р. Қориева икки қурултой оралиғида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот маърузаси қилди.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди.

Б. Р. Қориева Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг президенти этиб сайланди.

Қурултойда Республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

(ЎзА).

*

● Қарши районидаги Энгельс номли давлат хўжалиги сут-товар фермасининг жамоаси ижара пудратида ишламоқда. Ўтган йили чорвадорлар 34 минг сўм фойда олишди. Ижарачилар бу йил бу кўрсаткичдан 5-6 баравар ўзиб кетиш ниятидалар. Жамоада 45 киши ишлайди. Бу йил 700 тоннадан кўп сут, 39 тонна гўшт тайёрлаш режалаштирилган.

Суратда: ижарачи чорвадорлар дам олишда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзА).

*

Сайёрамиз нафаси

ОҚ УЙДА УЧРАШУВ

● Туркия Президенти Турғут Ўзол Америка Қўшма Штатларига хусусий ташриф буюрди. У Оқ уйда президент Жорж Буш билан учрашди.

Президент матбуот котибининг хабарига кўра суҳбат ярим соат давом этган. Суҳбатдошлар Кипр, Ироқ ҳамда Ўрта Осиё республикаларидаги вазият ва Босниядаги можарони муҳокама қилишди.

Иккала президент Белград ва Загреб шаҳарларидаги раҳбарларни Сараеводаги ҳукумат билан алоқа ўрнатиб, Босния ва Герциговинадаги зўравонликни тўхтатишда фаол ҳаракат қилишга чақирдилар.

ЯРИМ СОАТЛИК СУҲБАТ

● АҚШ Президенти Жорж Буш Россия ҳукумати Бош вазирининг биринчи ўринбосари Егор Гайдар билан учрашди.

Россияга ёрдам беришга оид ҳужжатларни қабул қилиш суҳбатнинг асосий мавзуси бўлди. АҚШ Президенти Россияни Халқаро валюта жамғармасига ва Жаҳон банкига кирганлиги билан қутлади.

АҚШ билан Россиянинг иқтисодий муносабатлари масалалари билан бирга Борис Ельциннинг июнь ойида АҚШга расмий ташрифига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

МАНФААТЛАРГА МОС

● Россия вице-президенти Александр Руцкой Исроилга амалий ташриф буюрди. Бу ҳақда у матбуот учун баёнот берди.

Россия Исроил билан янги муносабатлар йўлида бораётир, деди у. Дипломатия муносабатлари тикланди, савдо-иқтисодий муносабатлари яхши йўлга қўйилишига ишонч бор. Бу иккала мамлакат манфаатларига мос бўлиб тушади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАМЛАКАТЛАРНИ ИДОРА ҚИЛИШДА ҚАТНАШМОҚДАЛАР

● Мамлакатнинг бутун тарихи давомида биринчи марта аёл киши — Лейбористлар партиясининг вакили 62 ёшли Бетти Бутройд Британия парламенти жамоалар палатасининг 155-спикери бўлди.

Бутройд Англия шимолидаги Йоркшир сайлов округларидан бирида сайланган эди. Узоқ вақтдан бери Спикер ўринбосари лавозимини эгаллаб келди. Унинг номзодини лейбористларгина эмас, ҳукмрон консерватив партия ноиблари ҳам қўллаб-қувватлади. Шу туфайли у ғалаба қозонди.

ТАШҚИ ИШЛАР ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАНДИ

● Ганс-Дитрих Геншердан кейин ГФР ташқи ишлар лавозимини Ирмгард Шветцер эмас, балки ҳозирги адлия вазири Клаус Кинкель эгаллайди.

Эркин демократик партия бошқаруви ва шу партиянинг парламентдаги фракциясининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида ана шундай қарор қабул қилинди.

ЯНГИ ҲОКИМИЯТ

● Афғонистон пойтахти Қобулда профессор Сеғбатулло Мужаддеди раислигида Афғонистон мужоҳидлари ўтиш даври кенгашининг биринчи мажлиси бўлган.

С. Мужаддеди Бахтар ахборот маҳкамаси мухбирининг саволига жавоб бериб, Афғонистонда биринчи марта чинакам ислом ҳукумати тузилганлигини айтди. Миллий бирликни ҳамда барқарорликни таъминлаш барча афғонларнинг бош вазифасидир, — деди у.

[Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди].

● Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

МУАММО ЕЧИМИ ЎЗИМИЗДА

БИРОҚ ТАЪМИНОТЧИ ТАШКИЛОТ КАЛАВАНИНГ УЧИНИ БОШҚА ЖОЙДАН ҚИДИРАЁТГАНЛИГИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳўжайли шаҳридаги карлар ўқув ишлаб чиқариш комбинатида бозор муносабатлари шароитида ҳам барқарор фаолият кўрсатишга эришилмоқда. Корхона жамоасининг шу йил маҳсулот тайёрлаш биринчи чораги режаларини ошириб уддалагани бунга ёрқин мисол.

Ҳозир бу ерда кўпроқ истеъмолбоп буюмлар ишлаб чиқаришга эътибор кучайтирилмоқда. Дейлик, касалхоналар, поликлиникалар, амбулатория ходимлари ва беморлар учун кийим-кечаклар, кўрпа-тўшаклар, ёстиқ-кўрпа жилдлари, халатлар тикиляпти. Иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш мақсадида янги цехлар, кичик корхоналар ҳам ишга туширилаётир. Бу эса корхона меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоялашда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти.

Комбинатда асосий фойда келтирувчи цех-эластик резина цехи ишлаб турибди. Мазкур цехнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун ип-калава хом ашёси мўл бўлиши талаб этиляпти. Бироқ етарли миқдорда ип-калава харид қилиш корхонага ҳаддан ташқари қимматга тушмоқда.

Хўш, нега шундай бўляпти? Биринчидан, таъминотчи ташкилотлар ўз сўзларининг устидан чиқишмаяпти. Ҳўжакўрсинга хом ашё жўнатиб, шартнома мажбуриятларини бажаришмаяпти. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Юқори ташкилот комбинат маъмуриятига хом ашё муаммосини ўз шароитларидан келиб чиқиб мустақил ҳал қилишга йўл бермаяпти. Натижада корхона ишчилари қачон хом ашё келаркин, дея вақтни кутиш билан ўтказишмоқда.

Бунинг устига таъминотчилар — «Узглавлегснабсбит» мутасадди раҳбарлари осон ишни қийинлаштириб, комбинат учун ип-калава лимитини Андижон вилоятидаги корхонадан берган. Шу боис карлар ўқув ишлаб чиқариш корхонаси вакиллари ўзларига тегишли 40 тонна ип-калавани Ҳўжайлидаги ип йигириш ва тўқиш комбинатидан олиш ўрнига Андижон вилоятидан келтиришга мажбур бўлишмоқда. Бу, албатта, корхонага қимматга тушяпти. Қомбинат маъмурияти ҳар бир юк автомашинасида келтирилган 2 тонна хом ашё учун нақд 10 минг сўм санаб беряпти. Агар ҳисоблаб кўрилса, қарийб 200 минг сўмдан зиёд пул транспорт харажатларига сарф қилинмоқда.

— Муаммонинг ечими ўзимизда бўла туриб, уни четда ҳал қилишнинг нима кераги бор, — дейди комбинат директори, ЎзХДП аъзоси Сафарбой Ҳўжаев. — Биз бу борадаги таклифларимиз билан бир неча бор юқори ташкилотларга мурожаат қилдик. Лекин натижаси бўлмади. Ахир қўл чўзса етадиган луқмани олмасдан, узоқдаги қуйруқни афзал билиш ҳозирги иқтисодий танглик шароитида фойда бермаслиги аён-ку.

Ўйлаймизки «Узглавлегснабсбит» мутасаддилари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли бўлими раҳбарлари буни яхши тушунишади ва Ҳўжайлидаги карлар ўқув ишлаб чиқариш корхонаси хом ашё муаммосини ўша ҳудуднинг ўзида ҳал қилиш чораларини кўришади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Уйғурларнинг Ўзбекистонга, жумладан Андижонга келиб қолиши тарихи жуда узоқ. Бунга тахминан 250—300 йил бўлган. Қашқардан кўп кишилар кўчиб келишган, улар ўрнашган ҳудудлар ҳам ўзига хос номлар билан аталган: Эскилик, Ёндама, Отчиқмас, Файзобод, Янгисор, Дўнг, Дўлон, Ахтачи ва ҳоказо. Бу номларни уйғурларнинг ўзлари қўйганлар.

Илгари Андижонда уйғур театри, уйғур мактаблари, ошхона ва чойхоналари, клублари, уйғур-қирғиз билим юрти бор эди. Кейинчалик улар ўз-ўзидан тугаб кетди. Кўп уйғурлар маҳаллий шароитга киришиб кетдилар. Ҳозир уйғурларнинг кўпчилиги Андижон вилояти Пахтаобод районидаги Олим Қурбонов номли жамоа хўжалигида жойлашган. Улар ўзбеклар билан қон-қариндош, қуда-қудағай бўлиб қолишган. Ўзбекнинг тўйида уйғурлар, уйғурнинг тўйида ўзбеклар елиб-югуриб хизмат қиладилар. Рўзномамизнинг ушбу саҳифасидаги мақолаларда андижонлик уйғурлар ҳақида ҳикоя қилинади.

*

● Олим Қурбонов номли жамоа хўжалиги аъзолари — уруш ва меҳнат ветеранлари Нуриддин Бакиров, Қобулохун Исаев, Меливой Ражабов ва Абдусаттор Исмоилов ўзаро мулоқотда.

*

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Бизга қон-қардош халқ бўлган уйғурларнинг қадимий бой тарихи, маданияти, адабиёти ва ҳунармандчилиги билан жуда яқиндан танишмиз. Айниқса, уларнинг меҳнатсеварлигига ҳамма тан беради. Районимизда 13,5 мингдан зиёд уйғур халқи истиқомат қиляпти. Олим Қурбонов номли жамоа хўжалиги уйғурлар зич яшаётган ҳудудлардан бири. Унга Нўъмонжон Ниёзов етакчи. Бош мутахассислари ҳам асосан ёшлардан. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга ҳудуддаги аҳоли истиқоматгоҳларини обод этиш, аҳолига барча зарур қулайликлар яратиб беришга ҳаракат қилишяпти. Хўжалик аҳли йилига 500 минг шартли банка консерва тайёрлайдиган тармоқни ишга тушириб, олинаётган даромадни кўпайтирмоқда. Бундан ташқари эртаки сабзавотни кўпайтириш, маҳаллий саноаткичик корхоналарини жорий этиш йўли билан ҳам иқтисодий манфаатдорликни оширишга эришмоқдалар.

Мен бу ҳақда бежиз тўхталмадим. Чунки, бу ерда ҳам бошқа соҳалардаги сингари уйғур халқи вакилларидан иборат тажрибали мутахассислар, ўз ишининг билимдонлари ишлашади.

Шу билан бирга районда истиқомат қилаётган уйғурларнинг барча эҳтиёжлари тўла қондирилган, деб бўлмайди. Жумладан, уларнинг она тилларида бирорта ҳам мактаб, болалар боғчаси йўқ. Кутубхоналарда уйғур тилидаги китоблар етишмайди. Район партия кенгаши ва ҳокимият уларнинг бу муаммоларини ҳал қилишга эътиборни кучайтирмоқда. Бу борада уйғур халқи зиёлилари фаолларининг районда уйғур байналмилал маданият маркази тузиш тўғрисидаги ташаббус қўллаб қувватланди. Байналмилал марказга нафақат уйғур халқи, шу билан бирга ўзбек ва бошқа миллат вакилларидан ҳам аъзолар кирди.

Унинг 25 кишилик ҳайъати аъзолари район ва бошқа ҳудудларда уйғур миллий маданияти, адабиёти, ҳунармандчилигини тарғиб-ташвиқ қилиш, тижорат ва ҳунармандчилик ширкатларини жорий этиш ҳамда ундан тушган фойда ҳисобига ночор ҳаёт кечираётган кишиларга моддий ёрдам кўрсатишни режалаштирдилар. Ҳозиргача бу марказ томонидан ҳудудда ташкил этилган иккита уйғур тили ва ёзувини ўрганиш курсини 50 нафар турли ёшдаги уйғур тилига қизиққан кишилар битириб чиқишди.

Ўтган йилдан бошлаб уйғурлар истиқомат қилаётган қишлоқлардаги тўртта мактабда уйғур тилини ўқитиш чоралари ҳам кўрилди.

Районимиздаги уйғур «Отуш» ансамбли довруғи бутун жумҳуриятга тарқалган. Ушбу ансамблда Обобакри Назаров каби кекса санъаткорлар билан бирга Бекмурод Қурбонов, Саидахон Йўлдошева каби ёшлар уйғур миллий, қўшиқ, куй ва рақсларини севиб ижро этмоқдалар.

Умуман районда байналмилал дўстликни қарор топтириш, халқларнинг ўзаро аҳил ва иноқлигини барқарорлаштириш борасида кўп ишлар қилиняпти. Тўй ва бошқа маросимларни ортиқча сарф-харажатсиз ўтказиш, халқ сайллари, байрамларида байналмилал тадбирларни кенг жорий қилиш ҳам ўз самарасини бермоқда. Бу борада қадимий Наврўз байрамининг тикланиши жуда яхши бўлди.

Шубҳа йўқки, келгусида ҳам уйғур ва бошқа миллат халқлари билан аҳил-иноқ яшаб, дўстлигимизни мустаҳкамлайверамиз.

У. ИНОМИДДИНОВ,
Пахтаобод район ҳокими.



● Суратларда: 1. Пахтаобод районидаги нон комбинати директори Зокиржон Йўлчиев, район бош агрономи Нажмиддин Усмонов, назорат комиссиясининг раиси Пўлатжон Салоев ва кинофикация бошлиғи Камолиддин Ҳамидов навбатдаги ишларни маслаҳатлашмоқдалар. 2. Уйғуробод қишлоғидаги савдо маркази.

ТОШДАГИ ДОСТОНЛАР

Истеъдод эгасини унинг ижоди тез ва аниқ баҳолайди. Исмоилжон Юсупов П. Беньков номидаги республика бадиий билим юртини муваффақиятли тамомлаб, Андижон бадиий ишлаб чиқариш устахонасига ишга келганида ҳаёт имтиҳонидан ўтди. Унинг ижодий тақдири кўплаб тенгдошларининкидан деярли фарқ қилмайди: билим юрти, ҳарбий хизмат ва ниҳоят ижодий фаолият... Биз рассом устахонасида бўлганимизда «Навоий», «Жияним», «Бола», «Сувчи», «Пахтакор Мунаввара Қодирова», «Бобур Ҳиндистонда», «Аёл қомати» каби кўплаб асарларнинг турли хилдаги пластилин ва лойдан ишланган, охирига етказилмаган кичик ҳажмдаги ҳайкалчаларни кўрдик.

1987 йилдан иш фаолиятини бошлаган Исмоилжон тез орада ўз касбининг устаси сифатида танилиб, билимдонлиги ва меҳнатсеварлиги билан ижодкорлар ўртасида ҳурмат топди. Унинг айниқса ўт ўчирувчиларнинг оғир, машаққатли, аммо шарафли хизматларини тасвирлаган «Жасорат» номли йирик монументаль композицияси кўпчиликда чуқур таассурот қолдирди. Мисдан рельф усулида ишланган бу асар Андижон шаҳрининг Навоий проспектидаги 1-ўт ўчириш бўлими биносининг пештоқига ўрнатилган.

Исмоилжон буюртмаларни бажариш билан чекланиб қолмайди. Ўзининг билим ва маҳоратини тинмай ошириб боради, асарлари билан кўргазмаларда қатнашади. Унинг кўплаб асарлари Ўзбекистон рассомлари кўргазмаларида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг рассомлари кўргазмасида муваффақият билан намойиш этилди.

Исмоилжон Юсупов ўз асарлари билан меҳнат жамоаларида бўлмоқда. У тез-тез ёшлар даврасида ҳам бўлиб, уларда ҳайкалтарошлик санъатига бўлган қизиқишни орттирмоқда.

Бундан ташқари И. Юсупов бир қанча шоир ва ёзувчиларнинг бюстларини яратмоқда. Бўз районида Саида Зуннунова номидаги педагогика билим юртининг 10 йиллик юбилейи кенг нишонлангани муносабати билан шоиранинг бюсти очилди, бу бюстни тайёрлашда И. Юсупов ўз билим ва маҳоратини кўрсатди. Шоир Ҳабибийнинг 100 йиллик юбилейига бағишлаб Пахтаобод районида Ҳабибий номида адабиёт ва санъат музейи қурилди. Исмоилжон Юсупов ҳамқишлоғи Ҳабибий бюстини жуда катта маҳорат билан ишлади ва ўрнатиб қўйди.

Биз умидли ҳайкалтарошга ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

О. НИШОНОВ,
Пахтаобод ноҳияси.

● Маданиятимиз заҳматкашлари

● Ҳикоямиз Ҳасанохун Мусаев ҳақида. Миллати—уйғур. Андижонда — Эскилик маҳалласида туғилган. Отаси Мусоохун 1924 йилда Эскиликда жамоа хўжалиги тузиб, раислик қилган. Маҳаллада икки юз йиллар илгари Хитойдан кўчиб келган кишилар яшайди. Мусаохун кейинчалик шаҳар биқинидаги Отчиқмас адирида боғ яратиб, умрининг охиригача боғбонлик қилган...

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Андижон диёрида Ҳасанохун Мусаев деса кўпчилик билади. Табиатида юксак маънавият мавжуд. У ўзининг очиқ кўнгиллиги, тўғри сўзлиги, ҳозиржавоблиги, халқ билан мулоқотга тез киришиб кетиши, ўз устида қунт билан ишлаши, ҳаётий тажрибага бойлиги билан ажралиб туради. Дилкашлик, камтарлик, ҳалоллик — унинг энг яхши фазилатларидан. Ажойиб сўз устаси, зўр нотиқ, бир зумда одамларни ўзига қаратиб олиш қобилияти бор. Катта анжуманларда, маросимларда халқнинг дилидаги гапни топиб айтади. Шунинг учун уни севишади, ҳурмат қилишади.

Ҳасанохун ёшлик чоғидаёқ ўзининг нотиқлиги билан танилган. «Қизил» чойхоналарда одамларга газета ўқиб берарди. У 1938 йилда Йўлдош ота Охунбобоев билан мулоқотда бўлган ва унинг назарига тушган. Ота мазмунли суҳбатдан кейин Ҳасанохуннинг пешонасидан ўпиб, қимматбаҳо совға инъом этган. Отанинг эътибори Ҳасанохунга қанот бўлган. У Катта Фарғона каналининг Куйганёр участкасида радиоэшиттириш студиясида дикторлик, агитаторлик қилган. Кейинчалик у Улуғ Ватан урушида қатнашиб, «Жасурлиги учун» ва бошқа медаллар билан тақдирланган.

Урушдан кейин Ҳасанохун Андижон ўқитувчилар институтида таълим олди. Вилоят маданият бошқармаси ҳузурида лекторлар бюросининг директори ва лектори сифатида меҳнаткашларни ғоявий чиниқтириш учун курашди. Ҳасанохундаги ўзига хослик— илмга чанқоқликдир. У Самарқанд давлат университетига кириб ўқиди ва уни имтиёзли диплом билан тамомлади. Мактабда директорлик қилди, қишлоққа зиё уруғини сочди. Андижон ноҳиясида чиқарилган «Андижон ҳақиқати» рўзномасининг биринчи муҳаррири бўлди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иқтисод билимгоҳи аспирантурасида ўқиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Мана, 28 йилдирки, Ҳасанохун Мусаев Андижон тиббиёт билимгоҳида самарали ишлаб келади. У илмгоҳда сиёсий иқтисод кафедрасини ташкил этиб, бир неча йил мудирлик қилди. Ҳозир шу кафедра доценти.

Мусаев моҳир ташкилотчи, фаол жамоатчи ҳам, илмгоҳда бошланғич партия ташкилоти котиби, касаба уюшмаси раиси, уруш ва меҳнат ветеранлари қўмитаси раиси, «Илим» жамияти вилоят ташкилоти сектор мудири каби қатор жамоат ишларини муваффақият билан бажаришга улгуряпти.

Энг муҳими, Ҳасанохун Мусаев 1989 йил декабрь ойида Андижон вилоятида уйғур байналмилал маданият марказини ташкил этди ва бу марказ учун Андижон шаҳридаги собиқ Хитой элчихонаси биносини қайта таъмирлаб, керакли ашёлар билан жиҳозлади. Бу марказ байналмилалликнинг илдизи — миллийликни мустаҳкамлаш, миллий маданиятнинг равнақи йўлида талай ишларни амалга оширди. Вилоят партия ва жамоат ташкилотлари ёрдамида уйғурларнинг туб макони — Синьцзянь-Уйғур автоном райони билан қадимий ижтимоий алоқаларни тиклаш ва ривожлантиришга ҳаракат қиляпти. Андижон билан Қашқар, Асака билан Ёркентни биродарлашган шаҳарларга айлантириш йўлида илк қадамлар қўйилди.

Уйғур-байналмилал маданият маркази миллий маданиятни тиклаш йўлида, айниқса унинг моддий техника базасини яратиш ишида самарали фаолият кўрсатмоқда. Масалан, марказ аъло баҳода ўқийдиган ўқувчи ва студентлар учун қўшимча стипендия таъсис этди. Бозор иқтисодиёти муносабати билан даврий матбуотга обуна қилишда яқиндан ёрдам кўрсатди. «Ўзбекистон овози», «Уйғур овози» рўзномалари, «Мулоқот», «Санъат» жаридаларига маданий марказ аъзоларининг бепул ёзилишига ёрдам берди. Шунингдек, марказ қошида доимий ҳаракатдаги «Навоийхонлик гулшани» ташкил қилинмоқда. Видео ва радиомагнитафонлар орқали шарқ классикларининг лирикаси ва мақомлар намойиш этилаётир. Бу билан ота-боболарнинг қадимги навоийхонлик, машрабхонлик удумлари тикланяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уйғур маданият маркази Андижонга ташриф буюрган Уйғур автоном райони раҳбарияти вакиллари билан қадим Андижонда қурилган Қашғор карвонсаройини замон талаблари асосида, савдо биржаси сифатида тиклаш учун Андижон—Синьцзянь шартномаси имзоланишига катта ҳисса қўшди.

Шартномага мувофиқ Андижонда Хитой Халқ Республикасининг Синьцзянь-Уйғур автоном райони билан андижонликлар ҳамкорлигида Қашғор карвон саройи комплекси қад кўтаради. Карвонсарой таркибида меҳмонхона, юк сақланадиган омбор, ошхона, чойхона, ҳаммом, савдо растолари, дорихона, поликлиника бўлади ҳамда унинг атрофида маданият ва истироҳат парки барпо этилади. Савдо биржаси хитой, уйғур, ўзбек миллий архитектураси услубида қурилади.

Ҳасанохун Мусаев истеъдодли қалам соҳиби сифатида ҳам танилган. Илмий ва иқтисодий, дўстлик мавзуида ёзган қатор мақолалари ғоят эътиборлидир. Унинг ташаббуси билан вилоят рўзномасида иқтисодий саводхонлик бурчаги ташкил этилган. Мусаев томонидан Андижон менежерлар мактабида ўқилаётган «Имон-иқтисод — миллийлик» мавзуидаги туркум лекциялар, кўпчиликка ёқади.

Мусаев Андижон вилоят Кенгашининг депутати сифатида ҳам тиним билмайди. У халқ депутатлари вилоят Кенгаши миллатлараро доимий ҳайъати раисининг муовини.

Маданиятимиз заҳматкашларидан бири бўлган Ҳасанохун Мусаев ҳақида яна кўп илиқ гаплар айтиш мумкин. У олий таълим аълочиси, «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан мукофотланган.

«Икки халқ ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга баҳолиқудрат хизмат қилаётганимдан хурсандман. Сирасини айтсам, бу менинг учун ҳаётим мазмунига айланиб қолди», — дейди Ҳ. Мусаев.

Шу кунларда Ҳасанохун Мусаев Андижон — Синьцзянь шартномасини амалга ошириш йўлида фидокорлик кўрсатяпти.

● Саҳифа материалларини Олмаота да чиқадиган «Уйғур овози» ва араб имлосида чоп этиладиган «Янги ҳаёт» рўзномаларининг Ўзбекистондаги ўз мухбири Ҳисомиддин ИСЛОМОВ билан «Ўзбекистон овози» рўзномаси мухбири Анорбой ҚУРОНБОЕВлар тайёрлаган.

Суратларни Андижон вилояти «Анди жонома» рўзномаси фотомухбири Абдуваҳоб УСМОНОВ олган.

• ШОГИРДЛАР ТАЪЗИМИ •

УМР БОҚИЙ

Фан йўли ниҳоятда оғир ва машаққатли. У катта куч, катта билим, эътиқод, жасорат талаб қилади. Шундагина фан сўқмоқларидан дадил юриб, янгилик яратиш, унинг сирларини очиш, фан ривожига муносиб ҳисса қўшиш мумкин. Фан йўлида қилинган астойдил меҳнат — меҳнат самаралари эса йиллар, ҳатто асрлар ўтганда ҳам ўз нуфузини, илмий қувватини, таъсир кучини йўқотмайди. Чунки у фан мулкига айланади. Фан мулки эса халқ мулкидир. Ана шундай тилшунослигимиз мулкига айланган қатор асарлар яратган айрим соҳалар бўйича эса «биринчи бўлиб» деган эътирофга сазовор бўлган умри боқий тилшунос, талант соҳиби, филология фанлари доктори, профессор устоз Санд Усмоновдир. Профессор С. Усмонов ҳаёт бўлганларида 70 баҳорни қаршилаган бўлар эдилар.

Устознинг илмий-педагогик фаолияти бошлангунга қадар бўлган ҳаёти ҳам ёшларимиз учун катта ибрат, жасорат мактабидир.

У маориф соҳасида астойдил хизмат қилиши билан бирга ўз билим — малакасини ҳам тўхтовсиз ошириб боради. Натижада 1946 йилда ўзи камол топган олий ўқув юртининг аспирантурасига ўзбек тилшунослиги бўйича ўқишга киради. Шу даврдан унинг илмий фаолияти бошланади. Айни вақтда у илмий фаолиятини педагогик фаолият билан боғлаб, талабаларнинг ҳурматли мураббийсига, мукаммал билимга эга устозига айланади. Биз бунинг гувоҳимиз.

60—70-йиллар ўзбек тилшунослигининг сардорларидан бири бўлган С. Усмонов ўзбек тилининг деярли барча қатламлари бўйича баракали ижод қилади. Айниқса, ўзбек тилининг морфологияси, лексикологияси, терминологияси юзасидан яратган тадқиқотлар сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам салмоқли. Жумладан, олимнинг 1953 йилда ҳимоя қилган номзодлик диссертацияси ҳозирги замон ўзбек тилидаги ундовлар масаласига, 1964 йилда ҳимоя қилган докторлик диссертацияси сўз масаласига — сўзнинг морфологик хусусиятларига бағишланади.

Олим республикамиз мустақилликка эга бўлган, ўз иқтисодий тараққиёт йўлини белгилаган, тилимиз қонуний равишда давлат тили мақомини олган, мана шу кунларда деярли барча фанларнинг долзарб масаласи бўлиб қолган, қатор муаммолари ҳал қилинаётган атамашунослик (терминология) бўйича ҳам махсус шуғулланади. Натижада унинг «Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари» (Тошкент, 1968 йил) номли рисоласи майдонга келади. Ушбу ишдаги қатор фикрларга, жумладан, «...ҳам ишлаб чиқариш қуроллари соҳасидаги, ҳам маданият ва фан соҳасидаги ҳар қандай янгиликлар даставвал тил бирликлари, тўғрироғи, терминлар орқали ўз ифодасини топади. Шу маънода терминология (маълум тилдаги терминлар мажмуи) замона тарихининг гувоҳи, кўзгусидир» (3-бет) деган фикрларга қўшилмаслик мумкин эмас.

Ўз даврининг етук тилшуноси бўлган С. Усмонов фонетика, синтаксис масалалари билан ҳам шуғулланади. Саводхонлигимизнинг жонкуяри сифатида унинг орфография бўйича ёзган қатор мақолаларидан, дастурларидан, талабалар учун нашр қилдирган қатор контроль ва курс ишлари кабилардан шу кунларда ҳам тил ва адабиёт факультетининг ўқувчилари фаол фойдаланмоқдалар.

Филология фанлари доктори С. Усмоновнинг профессор М. Мирзаев ва марҳум профессор И. Расуловлар билан ҳамкорликда яратган «Ўзбек тили» (Тошкент, 1978) дарслигини алоҳида тилга олиш лозим. Дарслик 70-йиллардаёқ зарурий адабиётлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаганди. Унинг қайта-қайта нашр қилиниши фикримиз далилидир.

Олим ўзининг лисоний истеъдодини фақат хусусий тилшуносликдагина — ўзбек тили билан боғлиқ кўплаб масалаларни ҳал қилишдагина кўрсатиб қолмади. Унинг истеъдоди тилшуносликнинг анча мураккаб назарий масалаларини ҳал қилишда — шу соҳада ҳам яратган бир қанча тадқиқотларида яққол кўриниб туради. Айниқса, унинг «Умумий тилшунослик» дарслиги, «Тил назариясининг баъзи масалалари» каби жиддий мақолалари таҳсинга лойиқ.

Тилшунос олимнинг педагогика институтларининг филология факультетлари учун яратган «Умумий тилшунослик» асари ўзбек тилшунослигидаги энг катта воқеалардан, фанимизнинг энг йирик ютуқларидан бири бўлганлигини таъкидлаш лозим. Чунки олим ўзбек тилшуносларидан биринчи бўлиб, тилнинг илмий-назарий, фалсафий соҳаси бўйича мукаммал дарслик яратди.

Устоз С. Усмонов дунё тилшунослиги тарихидан, тил ва нутқ диалектик муносабатидан, тилшунослик усулларидан атрофлича кенг билимга, чуқур илмий маълумотга эга эди. Бунинг тан олмасликнинг иложи йўқ. Шу ўринда тилшунос олим Хайрулла Исматуллаевнинг устоз ҳақидаги қуйидаги фикрларига тўла қўшиламиз: «Кейинги ўн-ўн беш йил ичида бизда ўндан ортиқ фан докторлари етишиб чиқди, юздан ортиқ тилшунослар фан кандидати илмий даражасига эга бўлди. С. Усмонов энг талантли тилшунос олимлардан бири эди».

Устоз ўзининг қисқа, аммо сермаҳсул илмий-педагогик фаолияти жараёнида ўнлаб тилшунос олимларга устозлик қилди, 50 дан ортиқ илмий-методик, илмий-назарий асарлар яратди. Бу асарларнинг талабаларимиз қўлидан тушмаслигига ишончимиз комил.

Р. РАСУЛОВ,
Тошкент давлат педагогика институти умумий тилшунослик кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор.

МУШТАРИЙ:

● ХАБАР БЕРАДИ...

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИККА ЭЪТИБОР

● Навбаҳор районидаги «Гигант» давлат хўжалигида қўйчилик, паррандачилик билан бир қаторда балиқчиликка ҳам кенг эътибор берилмоқда. Ўтган йил бошларида хўжалик 5-бўлимининг чўл зонасида уча балиқчилик ҳавзаси ташкил этилиб, унга майда балиқлар ташланган эди. Балиқчи Пўлат Омоновнинг тадбиркорлиги туфайли дастлабки маҳсулот тайёр бўлди.

Яқинда навбаҳорликларга 4 тоннага яқин балиқ етказиб берилди. Хўжаликда бу кичик ҳавзаларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари кўриляпти. Келгусида ҳар йили аҳолига 150 минг сўмлик зоғора, ширмой, лаққа балиқ етказиб берилади.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти.

● ... ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ОВОРАГАРЧИЛИКНИНГ ЧЕКИ БЎРМИ?

● Шу йил 3 апрель куни биз маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10 да Фарғона шаҳрига учишимиз керак эди. Ҳар доимгидек тайёрагоҳга бир-икки соат олдин бориб кутдик. Ниҳоят, Фарғона шаҳрига борувчиларнинг чипталарини рўйхатдан ўтказишни эълон қилишди. Самолётга чиқиш учун чипталарни рўйхатдан ўтказаётиб, йўловчиларнинг ярмига яқинини олиб қолишди.

Сабабини сўрасак, керакли йўловчиларни олдик, сизларни эса чиқара олмаймиз, чипта ошиқча сотилган экан, деб айтишди. Шундай қилиб, ўзимиз чиқишимиз лозим бўлган тайёрага чиқа олмадик. Биз навбатчидан ким чиптани ошиқча сотган, нима сабабдан шундай бўлган деб, сўраган саволимизга эса аниқ жавоб ололмадик.

Бу албатта, йўловчиларнинг норозилигига сабабчи бўлди. Биз чипталарнинг нархи ошиб, тайёрагоҳдаги салбий ҳолатлар ҳам барҳам топар, деб ўйлаган эдик. Афсуски, тайёрагоҳда ҳануз чалкашликлар, камчиликларга барҳам берилмаган кўринади. Одамларни сарсон қилишни улар қачон бас қилишаркин?

К. АСЛОНОВ,
Фарғона райони.

● ... ТАКЛИФ ЭТАДИ

ШИФОХОНА ЭМАС— ШОВҚИНХОНА

● Республика нейрохирургия маркази жамоасидан миннатдормиз. Лекин касалхона Тошкентдаги «Олой» бозори рўпарасида жойлашгани сабабли жуда сершовқин. Бу ерда асосан бош мияга боғлиқ бўлган касалликлар даволанади. Демак, бундай беморлар учун энг тинч, осойишта жой керак. Афсуски, шифохона жойлашган бино атрофи жуда шовқин. Каблуков кўчасидан кеча-ю кундуз машиналар қатнови тинмайди. Бундай шароитда беморлар тузалиш ўрнига дардига-дард қўшилиши турган гап.

Ҳурматли муҳарририят! Ана шу масалани ҳал қилишда ёрдамингизни аямасангиз. Агар машиналар қатнови жиловланиб, у бошқа йўлга бурилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шундагина бу ерга даволанишга келувчилар шовқинхонага эмас, шифохонага боряпман, деб ўзига тасалли берган бўларди.

Т. ЮСУПОВ,
жами 5 нмзо.

● ... ЛУҚМАСИ

БЕҒАМЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ўткир масала бўлиб турганини Жиззах шаҳар мева-сабзавот савдо базасидагилар ҳам билишади. Билишади-ю, ўзларини билмасликка олишади.

Агар шундай бўлмаса, 9 апрелда база ички темир йўл тармоғига келган 12 вагон картошка ўз вақтида тушириб олинарди. Картошка Польшадан қачон етиб келгани бизга қоронғу. Лекин Термизга келган картошка 12 кеча-кундузда ҳам вагонлардан тушириб олинмагани аниқ.

Картошка етиб келгани ҳақида темирйўлчилар Сурхондарё ҳокимига, «Ўзбекистон» концерни раисига ва яна кимларгадир хабар қилишган. Бироқ вагонларни бўшатиб бериш, картошкани қабул қилиб олиш юзасидан тегишли чора вақтида кўрилмади.

Ажаб бўлди, хўп бўлди: Термиз базасидан темир йўл салмоқли миқдорда жарима ундириб олди.

У. МУҲАМЕДОВ.

Абу Райҳон Беруний

ТАРВИҲАЛАР

(«ЖАВОҲИР КИТОБИ»ДАН)

16.

Барча инсонлар бир отанинг фарзанди бўлиб, шакл-суратда бир-бирларига ўхшайдилар. Лекин улар ўзларининг табиатларида бўлган ўзаро рақобат ва бир-бирига ҳасад қилишдан ҳоли эмаслар. Ўзининг табиат ва феъл-атворларида бўлган зидлик сабабли мижоз ва аралашмаларнинг бир-бирига қарама-қаршилигига қарамай, шундай бўлган. Бу ҳолат одамнинг ўша икки фарзанди давридан бошлаб, яъни уларнинг ҳар бири қурбонлик келтирганида, бириники мақбул бўлиб, бошқасиники, рад қилинганидан бери шу одат тусига кириб давом этади.* Бунда одамларни фақат Тангри таолодан ўз келажагини ўйлаб ва султонлардан эса ҳозирги ҳаёти учун қўрқиб туриш даҳшатигина уларни бундай ишлардан тийиб туради.

* * *

Кўтариб олиш учун кумуш пулнинг ўзи унга сотиб олинган нарсалардан кўра енгил бўлади. Ортиқчалик жиҳатидан бир-биридан қайсиниси фойдали эканлигини билмоқчи бўлишиб қарашганида одамлар кумушга нисбатан олтинни афзал деб топишган. Шунда ўша энг қадимги пайтларда жорий қилинган хун тўлаш ва закот каби солиқларга тўланган олтинлар қиймати билан ҳисобланилса, ўшанда кумушга қараганда олтинга ўн бор кўп ва арзийдиган нарса олиш мумкин экан.

Албатта, бундан кейин баъзи маъданларнинг топилиши қийин бўлиб, улар борган сари камайиб кетган ё бўлмаса пулларнинг баъзида бузилиши натижасида бу қийматлар бирмунча ўзгарган.

Аммо бутун дунёда нарсанинг асл моҳияти шундайки, олтин кумушга нисбатан озроқ, кумуш эса мисга қараганда камроқ учрайди. Бунга маъданларнинг бир-бирига нисбатан ҳажми катта-кичиклиги баъзан маъданлар бири иккинчисига нисбатан оғирроқ, бошқаси енгилроқ, (эканлиги сабабдир). Сўнгра қизиқ ишлардан бири шуки, Зарубонда* кон топилган, унда ўша битта коннинг ўзида олтин, кумуш ва мисдан иборат уч хил жисмлар бўлган. Бунда жавҳарлар мутаносиблигининг ортиқ-камлиги тахминан ўша нисбатга тўғри келади. Бу шундайки, олтиннинг оғирлик вазни ўн дирҳам, кумушнинг вазни эллик дирҳам, мисники ўн беш манн бўлган. Шунинг

* «Қулини урганлар ҳақида ривоят...» Имом Исмоил Бухорий «Адабулмуфрад» («Одоб дурдоналари») асарида Аммор ибн Ясирдан ривоят қилади. «Ким ўз қулига зулм қилиб, уни ноўрин урса, қиёмат куни, албатта, ундан (қулини урган кишидан) қасос олинади. («Адабулмуфрад»).

* Жанубий Афронистондаги жой номи.

* Асҳоби қаҳф—тоғ, ёки ғор аҳли. Даққиёнус (Рим императори Диоклетиан) даврида шоҳлар жабр-зулмидан қочган уч йигит ва бир ит ғорда сеҳр, дуо кучи билан 300 йил ухлаб қоладилар. Вошқа асрда уйғониб, оч қолганларида емак сотиб олиш учун бир йигит тоғдан шаҳарга тушади. Аммо, тангалари эскилигини кўриб, соқчилар уларни тутиб оладилар. Бу воқеа «Қуръони мажид»да, сўнг «Қиссаул—анбиё»да тилга олинган.

* Марокко, Тунис, Жазоир каби ўлкалар тушунилади.

(«Тарвиҳалар» қисқартирилган ҳолда босилди. Охири. Бош рўзноманинг 73-, 74-, 75-, 80-, 81-сонларида).

17.

одамлар ўзлари билан (кўпинча) кумушни олмай, олтинни олишни афзал кўрадилар, чунки уни эл тиш енгил бўлади. Оғир кунларни кўриб, аянчли воқеаларни бошидан кечирган, одамлар бу тангликдан қутулиш учун ҳажми кичигу тоши оз нарсалар зарурлигини билиб қолишди.

* * *

Шунда улар жавоҳирларга майл орттирдилар, чунки кумуш ҳажми олтинга қараганда қанча кичик бўлса ҳам, лекин буниси борки, у қадрли; шу тариқа кумушга сотиб олинадиган нарсалар ҳажми ҳам худди ўша нисбатда бўладиган бўлди. Шунинг учун одамлар уларни узоқ сафарларда ўзлари билан олиб юрадиган, белга бойлаб оладиган бўлишган. Аммо замонанинг зайли билан баъзи бир ҳодисалар юз бериб, улар кийимларини ўзгартишганларида кўпинча бу мол-дунё уларнинг айғоқчилари сифатида ўз эгаларига зарар келтирганлар. Бу худди ўша Асҳоб каҳф—ғорда яшовчиларнинг эса кумуш пули ўзларига қарши шубҳа уйғотаётганларига ўхшаб кетади*. Бу кумуш пулни кўрганлар гўё булар эски хазина топиб олишган, деб гумон қилишадиган бўлишган. Бу шунинг учунки, жавоҳирлар подшоҳларга тегишли нарсалардан саналган. Борди-ю бу жавоҳирлар бошқаларда кўрилиб қолинадиган бўлса, унда буларнинг аҳволи ундай нарсаларга лойиқ бўлмаганидан ҳар хил гумон ва шак-шубҳаларга борилади, булар ё ўғирланилган деб саналади ва ўғрини қидиришади ё бўлмаса у чиндан ҳам кийим-кечагини бошқача кийиб олган улуғ зотлар мулки бўлади, бундайлар эса назорат остига олинади.

Фозил шоҳлар ўз мол-мулкларини масжидга ўхшаб қурилган уйларга элтиб сақлаганлар, чунки бундай жойлар муқаддас саналган. Сўнгра саройдаги ҳарамини қўриқлаш ишини қўриқчилар қўлига топширишган, бу қўриқчилар бўлиб берилган қасрларга ҳамла қилган душманни ундан даф қилган. Улар топширилган ишни жон-дили билан бажарганлар.

Булар ўзларига юклатилган вазифани оғирлигига қарамасдан бажо келтирар, бу ишни эса ўзларини синаш учун қўйилган гуноҳ деб билишар эди. Чунки гуноҳга ботиб кетмаслик учун ўз бурчларини жон-диллари билан адо этишга тиришардилар.

Мурувватнинг камолига етганига жудаям яққол далолат қиладиган томонлардан бири меъёрига етказилган озодалик бўлади. Бу эса худди теварак-атрофга анқиб турадиган, бошқаларга ҳам унинг иси келиб, уларга лаззат бағишлайдиган ҳамда унга яқинлашишга кишида рағбат уйғотадиган ва унинг оромбахш ҳидларини одамлар искаб турадиган хушбўй нарсалар билан бўлади. Хушбўйликлар эса инсонда бўлган ярамас ва сассиқ ҳидларни яширади. Мурувват ҳақидаги бу таъриф худди, ундай киши ўзига нимани муносиб кўрадиган бўлса, бошқаларга ҳам фақат шуни раво кўради, деган одам гапига бориб тақалади.

Мурувватни таъриф қилган киши гапида яна, таъқиқланган нарсалардан ўзини тийиш ва бировга азият чектиришдан сақланиш ҳам киради. Шу билан бирга, бордию агар, мурувват диёнатни маҳкам тутиш деб таърифланса, одамларнинг айтган гапи шу таърифдан четга чиқиб кетмаган бўларди.

Диёнат адолат ва тенглик билан иш юритишни юклайди Шу билан бирга у бошқа кишига исталадиган зулмнинг олдини олиш ва

18.

мазлумга ёрдам беришга чақиради. Ошкора-қилишдан уялинадиган ишни яширинча қилмаслик керак, деб озодаликни таърифлаган киши ҳам бу мулоҳазадан унча узоққа кетган эмас.

Кимки ўз ҳулқини таҳсинга сазовор бўлган феъл-атвори билан безаса, ўз овқатини ҳалол ва покиза бўлган нарсалардан тайёрласа, бу ҳолда таомига бошқаларни ҳам баббаравар шерик қилса, ўзи бажармоқчи бўлган ишда озодаликка риоя қилса, дунёвий ишлардан бири саналган, хушбўйлик билан мукаммаллаштирган бўлса, ундай қилган одам ўз ҳамтовоғини хурсанд қилган, дастурхонда бирга ўтирган кишиси билан яқин улфат бўлган, ўша ошнасининг ҳурматини ўрнига қўйган, унга озор беришдан ўзини сақлаган, ўзига нимани раво кўрган бўлса, унга ҳам ўшани раво кўрган бўлади Шу билан у, эҳсонни манъ қилган, ёлғиз овқат еган, қўлини урганлар ҳақидаги ривоятнинг уддасидан чиққан бўлади.

Маҳриб* ўлкасининг узоқ жойларидан бўлган бир киши ҳақида ҳикоя қилишади: уларда юртни идора қилиш иши ўша ердаги аъёнлар ва мулкдорлар қўлига навбатма-навбат ўтиб турар экан. Ҳукмронлик кимнинг қўлига тушса, ўша одамга уч ой давомида ўлкани идора қилиш вазифаси юклатилар экан. Кейин у кишининг идора қилиш муддати тугагач, унинг ўзи амалдан тушиб, бу ишдан қутулганига шукур қилиб, ҳайр-садақа тарқатар экан. Шу билан у ўзини бойлоқликдан қутулганидан ҳамда мамлакатни идора қилиш ишларидан бўшаганидан хурсанд бўлиб, оиласи қошига қайтар экан, ниҳоят ўз иши билан шуғуллана бошлар экан.

Бу шунинг учунки, мамлакатни идора қилиш ва бошқариш ишида золимлар мазлумларга азият етказмоқчи бўлган тақдирда адолат юзасидан иш юритишни жорий қилиб, шу аснода халқ роҳати учун ўз роҳатидан воз кечиш деган сўз. Бу эса қўл остидаги одамлар оиласи, мол-дунёси ва ҳаётини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш борасида баданнинг толиқиши деган сўз. Шу билан бирга яна бу ўша идора қилинадиган халойиқ ҳимоясида кўриладиган чораларга ўзини чоғлаш ва улар учун ўзини жангларга дучор қилиш ва улар ҳаммасини мудофаа қилиш деган сўз. Ҳукмдорга одамлардан жамғармалар йиғиб бериб туриш ва уларга бундай вазифа юклатилиши худди маҳалла қўриқчиларига маош тўлашга ўхшаб кетади. Бу худди йўловчилар карвон билан кетаётганда карвонбошига унинг кўрсатган хизматига яраша шуғулланаётган иши ва даражасига қараб ҳақ тўлаганига ўхшайди.

Аммо буларнинг ҳаммаси замон-муддат ўтиши билан тугайди. Ҳар бир замоннинг ўз одатлари бўлади, одамлар бунга риоя қилишлари керак. Акс ҳолда, бир хиллик ва бирдамлик бўлмаса тартиб-интизом ҳам бўлмай қолади.

* * *

Олтин ва кумуш идишлардан сув ичиш таъқиқланган, чунки бунда худди илгари айтиб ўтилганидек, олтин ва кумуш идишлар келтирган умумий фойда йўли кесилиб, қолган бўлади... Одамларнинг ҳол-аҳволи доимо ўзгариб туради: уларнинг бошига тушган оғир ва қоронғи кунлар кетиб, унинг ўрнига ёруғ ва пурнеъмат кунлар келиб туради. Шу тариқа кунлар ўтар, аҳвол ўзгариб турар экан. Шундайки, подшоҳ яхши кунларидан нишона сифатида ёрдамчилари ўртасида сочиладиган олтин-кумушларини шу идишларга сарф этади, кейин замонлар ўзгариб, маъмурчилик кунлари тескарисига айланиб кетади: натижада олтин-кумуш идишлар эритилиб, улардан дирҳам ва динорлар зарб этилади. Зиқлик ва қисилишлар юз бергач, ниятлардан футур кетади. Душманлар бўлса халқ ўртасида ёмон ва ожизлик хабарининг тарқалишини орзу қиладилар. Тамаъ қуллари бўлса қулай фурсат топишса, одамларнинг ҳуқуқига монелик кўрсатишдан тоймайдилар.

Балки ўша олтин ва кумушдан идиш ясаш таъқиқланишидан мақсад ҳам ҳудди мана шу бўлган бўлиши мумкин. Албатта, шарафли қонун ҳеч маҳал умумий ва хусусий фойдадан ҳамда дунё ва охиратда етадиган манфаатдан ҳоли бўлмайди.

САНЪАТ ХАБАРЛАРИ

ЭЛ ОЛҚИШИ

● Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Шириной Рамазонова ўттиз икки йилдан буён Хоразм вилоятининг Огаҳий номидаги музикали драма ва комедия театрида ишлаб, характери ва ички дунёси турфаранг юздан ортиқ образ яратиб, театр санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган, ёркин истеъдоди, ижрочилиги билан мухлислар қалбидан ўрин олган серқирра талант соҳибасидир.

Яқинда хоразмлик санъат мухлислари талантли актирса таваллудининг 50, ижодий фаолиятининг 32 йиллиги билан қутладилар. Вилоят жамоатчилиги вакиллари тўпланган кечада ижодкор фаолиятининг ёркин қирралари ҳақида гапирилди. Театр фахри ҳисобланган санъаткорга дўстлари, жамоаларнинг вакиллари, кўплаб мухлислар турфаранг гулдасталар туҳфа этишди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

●

«АРШИН МОЛОЛОН»

● Азал-азалдан турли саҳналарда мусиқали ижоднинг дилбар намунаси сифатида саҳналаштириб келинаётган асарни драма театрида ўйнаб бўладими? Бўлар экан. Буни Тошкентдаги Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг ижодий жамоаси исботлади.

Театр жамоаси бош режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида буюк композитор Ўзеир Ҳожибековнинг машҳур «Аршин мололон» асарини саҳналаштириб, ўз мухлисларига кўрсатди. Премьерада иштирок этган театршунослар, маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари изланувчан жамоа масъулиятли асарни ғоятда завқли, мароқли талқинларга бой қилиб саҳналаштирганини таъкидладилар. Моҳир рассом Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Бримнинг саҳна безаклари спектаклни янада кучайтиришга хизмат қилган. Таниқли санъаткор Абдуғани Абдуқаюмовнинг дирижёрлик маҳорати, талқинлари ҳам янги асар муваффақиятида муҳим роль ўйнайди.

Спектаклдаги ролларни С. Раметова, Ғ. Жуманов, Ф. Абдуллаев, М. Тешабоева, Ҳ. Арслонов каби иқтидорли актёр-актрисалар ижро этишмоқда.

●

«ВИЖДОН ДОРИСИ»

● Қашқадарё вилоятининг Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги музикали драма ва комедия театри яқиндагина улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳақида ҳикоя қилувчи спектаклни кўрсатиб, ўз мухлисларини хурсанд этган эди. Куни кеча театр жамоаси яна бир қизиқарли ижодий ишини тайёрлаб, илк бор саҳнада намойиш этди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов асари асосида яратилган янги спектакль «Виждон дориси» деб аталади. Жанри хаёлий комедия деб белгиланган бу асарда ҳаётдаги салбий кўринишлар, ноинсоний ҳаракатлар, одамлар ўртасидаги ҳасадомуз қилиқлар, тараққиётимизнинг йўлига соя ташлаётган айрим қитмир «фаолият»лар кулгу остига олинади, фош этилади.

«Виждон дориси» спектакли ёш актёр Жаббор Тошевнинг режиссёр сифатидаги биринчи иши. Премьерада ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва театр мухлислари унинг илк қадами, изланишлари умидбахш эканлигини таъкидладилар.

Спектакль муваффақиятида ундаги асосий ролларни ижро этаётган Л. Холиқова, О. Исмоилова, Ҳ. Амирқулов, Ҳ. Исроилова, О. Исмоилов каби актёр-актрисаларнинг хизмати катта. Рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. Салимов комедия руҳига мос безаклар ишлади.

А. ЮСУПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Й. ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
1992—93 ўқув йили учун
кечки ва сиртқи бўлимларнинг 1 курсларига қуйидаги ихтисослар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

— Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш;
— Табиий толаларни ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналари;
— Табиий ва кимёвий толаларни йигириш;
— Газламалар ва трикотаж технологияси;
— Тикув буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш;
— Чарм буюмлар технологияси ва уларни конструкциялаш;
— Полиграфия ишлаб чиқариш технологияси;
— Тўқимачилик ва енгил саноат иқтисоди ва бошқарув.

КЕЧҚИ БЎЛИМГА:

— Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш;
— Газламалар ва трикотаж технологияси;
— Табиий ва кимёвий толаларни йигириш.

Андижон филиали
СИРТҚИ БЎЛИМГА:

— Газламалар ва тиркотаж технологияси;
— Тикув буюмлари технологияси ва уларни конструкциялаш;
— Чарм буюмлар технологияси ва уларни конструкциялаш;
— Пардозлаш ишлаб чиқариши кимёвий технологияси ва ускуналари.

Марғилон умумтехника факультети
КЕЧҚИ БЎЛИМГА:

— Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш;
— Табиий ва кимёвий толаларни йигириш;
— Газламалар ва трикотаж технологияси.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга қабул қилиш 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (сиртқи ва кечки таълим шакллари бўйича) ўқишга қабул қилиш муддатлари:
— ариза — 20 майдан 30 июнгача қабул қилинади;
— имтиҳонлар — 1 июлдан бошланади;
— талабалар сафига қабул қилиш — 22 июлгача ўтказилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта ёки олий маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат фаолиятига эга бўлганлар учун).

Паспорт ёки ҳарбий хизматга муносабати билан боғлиқ ҳужжатлар шаҳсан кўрсатилади.

Олий ўқув юртида машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қирувчилар қуйидаги фанлар бўйича 3 та кириш имтиҳони топширадилар:

1. Матбаа ишлаб чиқариши технологияси мутахассислиги —**КИМЕ** (ёзма), **МАТЕМАТИКА** (ёзма), **ЎЗБЕК** ёки **РУС ТИЛИ** (ёзма)—иншо.

КИМЕ ВА МАТЕМАТИКАДАН ўтказилган имтиҳонлар ихтисосга оид (танловли) кириш имтиҳонлари ҳисобланади.

2. Бошқа мутахассисликларга — **МАТЕМАТИКА** (ёзма), **ФИЗИКА** (ёзма), **ЎЗБЕК ёки РУС ТИЛИ** (ёзма) иншо.

МАТЕМАТИКА ва ФИЗИКАДАН ўтказилган имтиҳонлар ихтисосга оид (танловли) кириш имтиҳонлари ҳисобланади.

Қириш имтиҳонлари беш балли система бўйича «5», «4», «3», «2» тарзида баҳоланади.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ўрта махсус ўқув юртини ёки ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан битирган ихтисосга оид битта фандан кириш имтиҳон топширадилар:
— матбаа ишлаб чиқариши технологияси мутахассислигига — **КИМЕ** (ёзма);
— бошқа мутахассисликларга — **МАТЕМАТИКА** (ёзма).

«5» баҳо олинганда абитуриент бошқа имтиҳонлардан озод этилиб, олий ўқув юртига қабул қилинади, бошқа ижобий баҳолар олинганда эса, мазкур ихтисос учун белгиланган барча имтиҳонларни топширадилар.

Ўрта маълумот негизидаги ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўзлари эгаллаган касб йўналиши бўйича олий ўқув юртига ўқишга кираётган ҳоллардагина юқоридаги тартибга амал қилинади.

Қириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган қуйидаги шахслар ўқишга танловдан ташқари қабул қилинадилар:
— заҳирага бўшатилган ва ҳукумат белгилаган имтиёзларга эга бўлган ҳарбий хизматчилар;
— ота-онасиз етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар;
— шифокорлик-меҳнат эксперт комиссияларининг хулосасига соғлиги жиҳатидан кўра олий ўқув юртида ўқиши учун ҳеч қандай монелик бўлмаган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

Манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, 4, 7, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 2, 45, 50-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати; 11-троллейбус; 32, 77, 173-автобусларнинг «Тўқимачилик олий билимгоҳи» бекати.

Андижон филиалининг манзили: 710019, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 39«а» уй.

Марғилон умумтехника бўлими манзили: 713019, Марғилон шаҳри, Ўзбекистон 25 йиллиги кўчаси, 238«а» уй.

СПОРТ

БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШ

● Ўзбекистон Республикаси миллий олимпиада қўмитасининг дастлабки йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, мустақил диёримиз спортчилари яна уч ойдан кейин Барселонада бошланадиган ёзги олимпиада ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Спортчиларимиз бу сафар МДҲ терма жамоаси таркибида спорт анжуманига йўл олишлари кўзда тутилган. Умуман Ўзбекистонда олимпиада руҳи кезиб юрибди, десак муболаға бўлмас. Бойси, Тошкент 2000 йилги олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогар шаҳарлар рўйхатидан ўрин олган.

Миллий олимпиада қўмитасининг биринчи йиғилишида эса, ўтган уч ой мобайнида қилинган ишлар хусусида фикр юритилди. Миллий олимпиада қўмитасининг вице-президенти С. Рўзиев қилинган ишлар ҳақида гапириб, мазкур қўмитанинг рамзий белгиси ва муҳри деярли тайёр бўлганини билдирди. Халқаро олимпиада комитетининг директори таклифига мувофиқ Лозанага бориш учун Тошкентнинг спорт ҳаритаси, бўлажак олимпиада шаҳарчаси, матбуот марказининг макетлари ҳамда республика пойтахти ҳақидаги видеофильм олиб борилишини маълум қилди. Миллий олимпиада қўмитасининг иккинчи вице-президенти И. Барабан спортчиларнинг тайёргарлиги ҳақида сўзлади. Барселонага 20 га яқин спортчи йўл олиши маълум бўлди. Хуллас, ҳамма ҳаракатлар келажакка ишонч ва эзгулик билан боғлиқ бўлиб турибди.

● ТОШКЕНТ. Туркистон ҳарбий округи музейида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби рассом Самиғ Абдуллаевнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазма мусаввир таваллудининг 75 йиллигига, ижодий фаолиятининг 55 йиллиги ҳамда буюк ғалаба кунига бағишланади.

Суратда: Самиғ Абдуллаев тенгқурлари билан.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат (ЎзА).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиология Бош бошқармасининг мутахассиси Х. М. Латиповга отаси

Мутал ЛАТИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти жамоаси санъатшунослик номзоди, меҳнат фахрияси

Каримахон ОЛИМБОЙ қизининг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг умр йўлдоши, фарзандлари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Автомобиль транспортини автоматлаштириш системалари илмий тадқиқот илмгоҳи жамоаси илмгоҳ раҳбари ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Муҳандислар Академиясининг мухбир аъзоси С. Х. Ғаниевга отаси

Ҳасанжон ҒАНИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика комитети Президиуми ва аппарати ходимлари Бухоро вилоят қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмасининг раиси Ё. Р. Саъдуллаевга ўғли

УМИДнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўсимликлар экспериментал биологияси илмгоҳи жамоаси Тошкент давлат университетининг кекса ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, профессор

Полвон Бобоевич АЗИЗОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Ғулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 86.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.50. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.